



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ISSN 2181 - 8495

Молия ва Банк иши
(электрон илмий журнал)

Finance and Banking
(electronic scientific journal)

www.journal.bfa.uz

Ўзбекистон, 100000, Тошкент,
Мирзо Улугбек тумани,
Мовароуннахр кўчаси, 16

**ПАНДЕМИЯ ВА
ИҚТИСОДИЁТ**
(махсус сон)

2/2020

Камилов М.М.	Глобал инқироз даврида ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини солиқлар воситасида янада қўллаб-қувватлашнинг долзарб масалалари	398
Кузиева Н.Р.	Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юшатишда солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг аҳамиятли жиҳатлари	403
Мирсабитов М.М.	Пандемия даврида солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш - тадбиркорликни ривожининг кафолатидир	409
Ниязметов И.М., Эргашев Р.Р.	Пандемия шароитида бюджет барқарорлигини таъминлашда яширин иқтисодиётни камайтиришнинг объектив зарурлиги	414
Тошматов Ш.А. Жаксымуратов К.Р.	Коронавирус пандемиясининг жаҳон иқтисодиётига таъсири ва уни Ўзбекистонда жиловлашда солиқ имтиёзларининг аҳамияти	422
Урмонов Ж.Ж., Файзиев Ф.А.	Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз даврида ахоли ва тадбиркорлик субъектларини солиқлар орқали қўллаб-қувватлаш масалалари	430
Идирисов А.О.	Коронавирус пандемиясидан кейинги даврда солиқ текширувлари самарали ва шаффоф ташкил этилишини йўлга қўйиш масалалари	441

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА БЮДЖЕТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ

и.ф.д. Ниязметов И.М., Эргашев Р.Р.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Аннотация: Мақолада короновирус пандемияси билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий оқибатларни олдини олишга қаратилган Ўзбекистондаги фискал юмшатишлар моҳияти, уларни қўллаш билан боғлиқ бюджет барқарорлигидаги муаммолар, бундай шароитда яширин иқтисодиёт билан курашишнинг ўзига хос мураккабликлари ва уларни бартараф этиш йўллари очиб берилган.

Калит сўзлар: COVID-19, пандемия, карантин, яширин иқтисодиёт, давлат бюджети, солиқлар, солиқ имтиёзи, солиқ механизми

1. Кириш.

Бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда рўй берган COVID-19 (короновирус) пандемияси ва у билан боғлиқ инқироз ҳолатлари миллий иқтисодиётимизга ҳам салбий таъсир қилмасдан қолмади. Бугунги пандемия шароитида иқтисодий фаоллик кескин пасайди ва бир қанча тадбиркорлик соҳалари тўхтаб қолди. Жумладан, кино, театр, туризм, умумий овқатланиш, қурилиш, маиший хизмат ҳамда ноозиқ-овқат товарлари чакана савдоси қарийб тўхтади ва бу ҳолатлар мамлакат аҳолиси даромадларининг кескин пасайишига олиб келди. Хусусий секторда ишлаётган ва ўзини ўзи иш билан банд қилиб келган аҳоли қатлами даромад манбаисиз қолди. Бу эса ўз навбатида, истеъмол харажатларининг кескин камайиши, бозорда ялпи талабнинг қисқариши ҳамда ишсизлик даражасининг ошишига сабаб бўлди. Бундай шароитда иқтисодий ва унинг орқасидан келиб чиқадиган ижтимоий инқироз ҳолатларининг кучайиб кетишини олдини олиш учун давлат томонидан тезкор чоралар кўрилиши шарт. Шу муносабат билан Ўзбекистонда бу борада тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани, хусусан давлатимиз раҳбарининг март-апрель ойларида кетма-кет қабул қилинган фармонлари ва қарорлари миллий иқтисодиётимизга коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини юмшатишга имкон беради. Шу билан бирга, бир томондан пандемия сабабли аҳоли даромадлари ва тадбиркорлик фаоллигининг пасайиб кетиши, иккинчи томондан пандемия билан боғлиқ жорий ва бўлғуси иқтисодий-ижтимоий оқибатларни олдини олиш мақсадидаги фискал юмшатишлар давлат бюджети барқарорлиги билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши муқаррар. Бошқа томондан солиқ назоратининг сусайтирилиши шундоғам юқори даражада бўлиб келаётган яширин иқтисодиётнинг янада кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси Ўзбекистон олдида эндиликда инқирозларга қарши фискал иммунитет шакллантириб боришни талаб этади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Айрим тадқиқотлар муҳокамаси шуни кўрсатдики, дунёда яширин иқтисодиётга қарши курашишга бўлган эътибор айнан 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин янада кучайган ҳамда бу масала кенг жамоатчилик томонидан ижобий қабул қилинган.

Medina ва Schneider (2018) томонидан ўтказилган тадқиқотларда 58 та мамлакатда 1991-2015 йиллар оралиғидаги хуфёна иқтисодиётнинг ривожланиши таҳлил қилинган. Эътиборли жиҳати шундаки, 2007 йилгача барқарор пасайиб келган хуфёна иқтисодиёт даражаси 2009 йилдан бошлаб ўрганилган 158 та мамлакатдан 108 тасида ошиб кетган. Шунингдек, жами 158 та мамлакат бўйича 2007 йилда хуфёна иқтисодиёт кўрсаткичи ўртача 29.69 фоизни ташкил қилган бўлса, 2008 йилда 28.98 фоиз ва 2009 йилда 30.56 фоизга кўтарилган. Бундан кўринадики, айнан 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-

иқтисодий инқирозидан кейин дунё мамлакатларининг аксарият кўпчилигида яширин иқтисодиёт кучайиб кетган. Бу иқтисодий инқирозлар шароитида мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт улуши янада ошиши мумкинлигини кўрсатади.

2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида жуда кўп мамлакатларда, айниқса ривожланган мамлакатларда солиқ тушумларининг кескин камайиши ва ижтимоий харажатларнинг шу тарзда кўпайиши ҳисобига давлат ташқи қарзлари икки баравар ошган. Хусусан, 2008-2017 йилларда Хитой ва Америка қўшма штатларида бюджет ассигнацияси бизнес субъектларини фискал рағбатлантиришга ва алоҳида тармоқларни қўллаб қувватлашга қаратилган бўлиб, глобал ташқи қарз миқдори 60 трлн АҚШ долларига етган (Луцкая, 2019).

Давлат ташқи қарзларининг мамлакат тўлов имкониятларига нисбатан кўп миқдорда ошиб кетиши, иқтисодиётнинг ташқи таъсирларга бардошлилигини камайтиради. Шунинг учун ҳам, 2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин барча мамлакатларда давлат қарзларининг кескин ошиб кетганлиги сабабли, баъзи мамлакатлар томонидан йилдан-йилга уни камайтириш бўйича зарурий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Буюк Британиянинг давлат қарзи 2018 йилда ЯИМга нисбатан 85,3% ни ташкил қилган бўлса 2019 йилда 84,7% ни ташкил қилган. Германияда бу кўрсаткич 2018 йилда 63,9% ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 3% га камайиб, 60,9% ни ташкил қилган. Бу натижаларга асосан норасмий иқтисодиётни камайтириш ва қўшимча солиқ манбаларини аниқлаш орқали бюджетга тушумларини ошириш ҳисобидан эришилган (Тищенко, 2019).

Joshi, Prichard ва Heady (2014)лар томонидан ўтказилган тадқиқотларда хуфёна иқтисодиётни солиқ механизми воситасида бартараф этиш бўйича қуйидаги 3 та сиёсий стратегиялар кўрсатиб ўтилган:

1) Норасмий секторни билвосита солиққа тортиш. Иқтисодиётга қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) татбиқ этишнинг афзаллиги шундаки, норасмий сектор томонидан сотиб олинган ва сотилган товарлар ҳамда хизматлар учун тўланган қўшилган қиймат солиғи бўйича фарқлар қайтарилмайди. Бунда солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтмаганлигига қарамай норасмий "бизнес" субъектлари ҚҚС орқали солиққа тортилади. Шунингдек, норасмий сектордагилар уларга товар етказиб берувчилар ёки харидорларининг аксарияти расмий секторда ҚҚС тўловчиси бўладиган бўлса, ҳамкорларни йўқотмаслик ва келгусида истиқболли бизнес шартномаларини имзолаш учун ҳам расмий секторга ўтишга мажбур бўлади.

2) Иқтисодиётнинг расмий секторидан солиқ тўловчилар қамровини кенгайтириш. Иқтисодиётда расмий сектор улушини оширишнинг солиқ ставкаларини камайтириш ва кичик бизнес субъектларига имтиёзлар бериш орқали рағбатлантириш усуллари мавжуд. Бироқ, бу солиқ тизимида мураккабликларни келтириб чиқариши ва аксарият тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятини микрофирма шаклида (кичик бизнес қолипида) қолдириш эҳтимолини оширади. Одатда ҳукумат томонидан расмий секторни назорат қилишда асосан йирик компанияларга эътибор қаратилади, кичик фирмалар эса назоратдан сал четда қолади. Чунки, кичик бизнесни назорат қилишга кетадиган маъмурий харажатлар ўзини оқламайди. Бундан ташқари кичик бизнесга назоратнинг кучайтирилиши мансабдор шахслар томонидан суиистеъмолчилик ҳолатларини ҳам юзага келтириши мумкин.

3) Махсус солиқ режимларини шакллантириш. Халқаро амалиётда бундай солиқ режимларининг қуйидаги кўринишлари фарқланади:

- солиқ базасини ҳисоблашда жуда оддий усуллардан фойдаланиш. Масалан, норасмий секторда фаолият юритиш эҳтимоли мавжуд кичик бизнес субъектларига турли солиқ ҳисоботлари ўрнига аниқ (олдиндан белгиланган) сумма тўлашни назарда тутувчи солиқ режимини қўллаш. Халқаро валюта фонди ҳам 2011 йилда кичик ҳажмда товар сотувчилар оддий ҳисобларни юрита олишмаслиги сабабли уларнинг ушбу солиқ режимидан фойдаланишларини қўллаб-қувватлаган.

- одатий солиқ турлари ва солиқ базаларидан фарқли равишда бошқа молиявий кўрсаткичлардан фойдаланиш. Бунда баъзи олимлар солиқни айланма маблағлар ҳажмига нисбатан ҳисоблашни тавсия қилса, бошқалари ялпи активлар миқдорига солиқ солиш керак деб ҳисоблашган.

- солиқ мажбуриятларини номолиявий кўрсаткичлардан фойдаланиб ҳисоблаш. Масалан, эгаллаб турган ер майдони ёки ишчилар сонига кўра солиқ ҳисобланиши мумкин. Бу энг содда ёндашув бўлиб, бизнес субъектларининг ҳисоб рақамлари

бўлмаган тақдирда ҳам солиқ йиғувчиларга уларнинг солиқ мажбуриятларини ҳисоблаб чиқиш имкониятини беради.

Бироқ, кўрсатиб ўтилган солиқ режимларининг қатор салбий жиҳатлари мавжудлигини шундай режимларнинг Ўзбекистонда қўлланилиш амалиёти кўрсатиб берди (Ниязметов, 2017).

Норасмий иқтисодиётда банд бўлган тадбиркорлик субъектларининг асосий мақсади солиқдан қочиш эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, мамлакатда солиқ маданиятини ошириш иқтисодиётда норасмий сектор улушини камайтиришнинг энг таъсирчан йўлидир, деб айтишимиз мумкин. Жамиятда солиқ маданиятини ошириш эса жуда кўп омилларга боғлиқ. Бундай омиллар сирасига, биринчи навбатда, халқнинг давлатга бўлган ишончи, давлатнинг жамият олдигаги ҳисобдорлиги, ундириб олинаётган солиқларнинг айнан жамият манфаатлари учун ишлатилаётганлигини халқ тан олиши киради.

Солиқ маданиятини оширишда солиқ маъмурчилиги, жумладан солиқ назоратининг роли ҳам катта. Хусусан, Torgler, Schaffner ва бошқалар (2008) томонидан ўтказилган тадқиқотларда солиқ маъмурчилигидаги шаффофлик, ҳалоллик, адолат, солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш ва уларга зарурий маълумотларнинг бериб борилиши ҳамда солиқ тўловчиларнинг солиқ хизматини баҳолаб бориш имкониятининг мавжудлиги солиқ маданиятининг ошишига таъсир кўрсатиши аниқланган.

Шу билан бирга, солиқ назорати ҳам самарали ва барқарор ишламас экан фақат солиқ хизматининг мижозлар учун ишлаш услуби ижобий натижаларни бермайди.

Alm, McClelland ва Schulzelар (1992) томонидан ўтказилган тадқиқотларда солиқ назорати сифатининг ошиши солиқ қонунчилигига риоя қилиш даражасининг ошишига олиб келиши аниқланган. Жумладан, АҚШда 1977 йилдан 1986 йилга қадар анъанавий солиқ аудити ўтказиш кўрсаткичи 2,5 фоиздан 1 фоизга камайтирилиши натижасида давлат бюджетининг солиқ даромадлари 41 млрд. АҚШ долларига камайган. Шу билан бирга тажрибалар жараёнида солиқ тўловчиларнинг солиқ аудитига муносабатини ўрганиш мақсадида АҚШнинг Миннесота штатидаги 1724 та солиқ тўловчиларга солиқ аудити ўтказилиши тўғрисида маълум қилинган. Солиқ аудити ўтказилиши маълум қилинган кичик ва ўрта бизнесдаги солиқ тўловчилар ўз ҳисоботларида даромадлар миқдорини ошириб кўрсатган. Натижада, олимлар солиқ аудитининг самарадорлиги бизнес субъектларининг даромадлари даражасига қараб фарқ қилиши мумкинлигини асослашган.

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Адабиётлар таҳлили иқтисодий инқирозлар шароитида мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт улуши янада ошиши мумкинлигини кўрсатди. Фикримизча, бунинг сабабини куйидагиларда ифодалаш мумкин:

- инқироз шароитида иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва соҳаларида фаолиятнинг тўхташи ёки сустлашиши натижасида корхоналарнинг ўзгармас (доимий) харажатлари, шу жумладан ўзгармас солиқларини қоплаш зарурати;

- бизнес ҳамкорларининг фаолияти тўхташи ва (ёки) таъминот бозорини йўқотиш оқибатида корхоналар фойда меъёрининг қисқариб кетиши;

- ишчиларга мажбурий отгуллар берилиши ёки ишдан бўшатилиши муносабати билан уларга ишланмаган вақт учун пул ёки маълум муддатгача ишсизлик нафақасини тўлаш харажатларини қоплаш зарурати;

- ишсиз қолган фуқаролар ёки бозори касод бўлган яқка тадбиркорларнинг тирикчиликни таъминлашга бўлган ҳаракати ва бошқалар.

Шу сабабдан ҳам давлатлар одатда инқироз шароитида бош ислоҳотчи сифатида яширин иқтисодиётни жиловлаш вазифасини тўлиқ ўз зиммасига олиб, қийин аҳволда қолган иқтисодиёт тармоқлари, тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга фискал механизмлар воситасида кўмаклашади.

Айнан шу йўлдан COVID-19 пандемияси шароитида Ўзбекистон ҳукумати ҳам борди. Бу борада биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил март-апрель ойларида қабул қилинган ПФ-5969 (2020) ва ПФ-5978 (2020) сонли фармонларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур ҳужжатларда пандемия даврида иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун қатор енгилликлар, фискал юмшатишларни амалга ошириш кўзда тутилди.

Хусусан, фуқаролар учун уларнинг 2019 йил жами даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш муддати 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 августга қадар, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати эса 2020 йил 15 октябрга қадар узайтирилди. Жисмоний шахслар учун кўзда тутилган мазкур энгилликлар пандемия сабабли ҳаракатланиш чеклови ўрнатилган (кучайтирилган режим) шароитида фуқароларнинг ўз солиқ мажбуриятларини кечиктирилган муддатларгача қийналмасдан бажариш имкониятини беради.

Президентнинг ПФ-5969-сон Фармонида кўра жисмоний шахсларнинг хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида оладиган даромадлари 2020 йил 1 апрелдан бошлаб солиқдан озод қилинди. Бундай солиқ имтиёзининг киритилиши пандемия шароитида ва ундан кейинчалик ҳам қийин турмуш шароитига тушиб қолган фуқароларни моддий қўллаб-қувватлашни янада рағбатлантиради.

Мазкур ҳужжатларда тадбиркорлик субъектлари учун ҳам қатор солиқ энгилликлари кўзда тутилди. Хусусан, 2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача бўлган даврда ҳар қандай якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига қадар камайтирилади. Бошқача айтганда, шу пайтга қадар ойга 223000 сўм миқдорида (ПҚ-4555, 2019) ижтимоий солиқ тўлаб келаётган тадбиркорлар апрел ойидан бошлаб олти ой давомида бу солиқни 111500 сўм миқдорида тўлайди.

Шунингдек, пандемия сабабли ўз фаолиятини тўхтатган ёки тушуми жорий йилнинг биринчи чорагидаги ўртача ойлик тушум миқдorigа нисбатан 50 фоиздан кўпроққа камайиб кетган кичик тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 1 октябрга қадар айланмадан солиқ, ижтимоий солиқ, мол-мулк, ер ва сув солиқларини фоизсиз кечиктириш имконияти берилди. Солиқларни бундай кечиктириб тўлаш ҳуқуқи уларни кейинчалик 12 ой давомида (ижтимоий солиқни эса 6 ой давомида) тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан тақдим этилади.

Карантин режими мобайнида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қатъий белгиланган даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатиб турилади. Бунда фаолиятни тўхтатганлик тўғрисида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ органлари хабардор қилинади ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳномани топшириш талаб этилмайди.

Юқоридаги энгилликлар кичик бизнес субъектлари учун пандемиянинг салбий иқтисодий ва молиявий оқибатларини сезиларли даражада юмшатади.

Бундан ташқари, юқорида таъкидланган президент фармонларида тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши мумкин бўлган яна бир қатор фискал юмшатишлар кўзда тутилган. Хусусан, 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар:

- бирламчи эҳтиёж (озик-овқат, гигиена ва бошқа) товарларини олиб киришда божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланди;
- қишлоқ хўжалиги ерлари учун фойдаланиладиган сув солиғининг 2020 йил учун белгиланган ставкаси 2 баравар пасайтирилди;
- туризм соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари ва авиа хизматларни кўрсатувчи корхоналар ер ва мулк солиқларини тўлашдан озод қилинди, ижтимоий солиқни эса камайтирилган 1 фоизлик ставкада тўлайди;
- тушуми ойга бир миллиард сўмдан ошмайдиган тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғини чоракда бир марта тўлаш ҳуқуқи берилди;
- фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва объектларига нисбатан мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш, шунингдек, 2020 йилнинг биринчи чорагида ушбу солиқлар бўйича оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш чораларини кўриш тартиби тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5969-сон Фармонида Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига туризм соҳасида банд якка тартибдаги тадбиркорлар даромад солиғи ставкасини 30 фоизга камайтириш тавсия қилинди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк, ер ва сув солиқлари бўйича ҳеч қандай фоизлар ундирмасдан 6 ойга кечиктириш тақдим этиши, бунда, бошқа ҳужжатларни талаб қилмасдан, фақат солиқ тўловчининг аризаси ҳамда ҳудудий Молия бошқармаларининг хулосалари асосида энгиллик берилиши белгиланди.

Шунингдек, мазкур фармонга кўра 2020 йил 1 октябргача бўлган даврда солиқ органлари вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларга мулк, ер ва сув солиқлари бўйича пеня ҳисоблашни, шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини тўхтатиб туради. Ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун корхоналарга жарималар қўллаш ҳам тўхтатилди. Бундан ташқари, 2021 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4662-сон Қарорига (2020) биноан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кучайтирилган режим амал қилиш даврида энг зарур дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, уларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом ашё, материаллар ва субстанциялар импортида божхона божлари ундирилмаслиги белгиланди.

Ўқорида санаб ўтилган ва бошқа фискал енгилликлар мамлакатимизда COVID-19 пандемиясининг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини сезиларли даражада юмшатишга, иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қийин иқтисодий вазиятдан олиб чиқиб кетишга албатта имконият яратади.

Шу билан бирга, пандемия сабабли тадбиркорлик фаоллигининг пасайиб кетиши, шунингдек тадбиркорлик субъектларига солиқ тўлаш муддатлари бўйича кечиктиришлар тақдим этилиши муносабати билан давлат бюджетига солиқ тушумларининг кескин камайиб кетиши кузатилади. Боз устига, пандемиянинг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида давлат бюджетидан ижтимоий харажатларга йил бошида кутилганига нисбатан кўпроқ миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Мазкур ҳолат давлат бюджети тақчиллигини қоплаш ҳамда бюджет барқарорлигини таъминлаш мақсадида давлатнинг халқаро молиявий ёрдамларга, ташқи қарзларга бўлган эҳтиёжини кучайтирмоқда.

Бугунги пандемия шароитида Ўзбекистонда ҳам бюджет даромадларига нисбатан фавқулодда ошиб кетган бюджет харажатларини қоплаш мақсадида давлат қарзи, хусусан ташқи қарз миқдори кутиладиган режалардан ошади. Бу борада молия вазири ўринбосари О.Исоқов (kun.uz, 2020) кўп мамлакатлар ўзининг бюджет дефицитини қоплаш учун қарз жалб қилган бўлса, Ўзбекистонда асосан мақсадли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун қарз жалб қилинганлигини, аммо пандемия туфайли бюджет даромадлари кескин тушиб кетаётганлиги, харажатлар эса ошиб кетганлиги сабабли 2020 йилда бюджет дефицитини қоплаш учун ҳам қарз олинаётганлигини маълум қилди. Шунингдек, Молия вазирлигининг расмий малумотларига кўра, 2020 йил апрель ойида Жаҳон банки коронавирус пандемиясининг Ўзбекистон фуқаролари саломатлиги ва фаровонлигига таъсирини юмшатиш бўйича фавқулодда чораларни қўллаб-қувватлаш учун 95 млн. АҚШ доллари миқдорида молиялаштириш дастурини тасдиқлади. Лойиҳа маблағлари миллий соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга, шунингдек, пандемия келтириб чиқарган иқтисодий инқироздан азият чеккан кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Адабиётлар шарҳида кўрганимиздек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабабли олинган ташқи қарзларни камайтиришга аксарият мамлакатлар асосан норасмий иқтисодиёт билан курашиб қўшимча солиқ манбаларини аниқлаш орқали бюджетга тушумларини ошириш ҳисобидан эришган. Ўзбекистонда ҳам давлат бюджети даромадларини оширишда яширин иқтисодиётни камайтириш орқали солиқ тушумлари базасини кенгайтириш имкониятлари катта. Аммо кузатувлар ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, мамлакатнинг амалдаги солиқ тизими бугунгидай юзага келган пандемия ҳолатлари ва бошқача кўринишдаги инқирозларга мослашмаган.

Бу эса эндиликда солиққа тортиш механизмларини инқирозга қарши чораларга мувофиқлаштириш, норасмий секторда банд бўлганларни бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида расмий секторга жалб қилиш инструментларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт улушини камайтиришга оид ҳукумат даражасида вазифалар белгиланаётган бўлсада, мазкур йўналишда бугунги кунга қадар амалга оширилган чора-тадбирларни сезиларли даражада ижобий натижаларга эришишга хизмат қилган деб бўлмайди.

Республика мутасадди раҳбарлари 2018 йилда ялпи ички маҳсулотда яширин иқтисодиётнинг улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил этиши ва бу, ўз навбатида,

иқтисодийнинг ривожланишига ва бюджет тушумларига ҳалал бераётганлигини маълум қилган эди (gazeta.uz, 2018).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил декабрь ойидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам ялпи ички маҳсулотда яширин иқтисодийнинг улуши катта эканлиги ва бу мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатаётганлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги "Рақамли иқтисодийни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4022-сон ҳамда 2019 йил 18 майдаги "Рақамли иқтисодий ва "Электрон ҳукумат" тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4321-сон Қарорларига мувофиқ яширин иқтисодий улушини қисқартириш бўйича бир қанча аниқ вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган Мурожаатида ислохотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган яширин иқтисодийга барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклландирганини таъкидлаб, Вазирлар Маҳкамасига хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, яширин иқтисодийнинг вужудга келиш омилларини чуқур таҳлил қилиб, унга қарши курашиш дастурини тасдиқлаш вазифасини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сон Фармонида мувофиқ, яширин иқтисодийнинг улушини қисқартириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тасдиқланди.

4. Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги расмий маълумотлардан маълум бўляптики, Ўзбекистонда норасмий иқтисодий бўйича аниқ таҳлилий маълумотлар юритилмаяпти ва унинг кўлами сезиларли даражада камаймаяпти.

Хуфёна иқтисодийни камайтиришда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ҳамда бозор муносабатларида унинг кўламини янада ошириш самарали натижаларни бериши мумкин. Нақдсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилиши жараёнида самарали ташкил этилган солиқ маъмурчилиги томонидан норасмий иқтисодийда банд бўлганларни солиққа тортиш имкониятлари ошади.

Мамлакатнинг пул муомаласи асосан нақд ҳисоб-китоблар кўринишида амалга ошириладиган бўлса бозор реал кўламини аниқлашнинг ва иқтисодийни самарали тартибга солишнинг имкони бўлмайди.

Рақамли иқтисодий ва нақдсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш норасмий иқтисодий кўламини қисқартиришда ижобий натижаларни беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳонда ҳисоб-китобларнинг асосий (80-90 фоиздан ортиқ) қисми нақдсиз кўринишда амалга ошириладиган мамлакатлар барқарор иқтисодий салоҳияти, коррупция даражасининг пастлиги билан, шунингдек глобал инновацион рейтингларда ва ривожланиш даражасига кўра ҳам энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олган.

Барча тўловлар ва ҳисоб-китоблар ҳисобининг юритилиши яширин иқтисодий қисқаришига ва солиқ тушумларининг ошишига бевосита сабаблардан бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон амалиёти таҳлил қилинганда, бугунги кунга қадар мамлакатлар томонидан нақдсиз ҳисоб-китоблар амалиётига ўтиш асосан қуйидаги солиқ механизмлари орқали амалга оширилганлиги маълум бўлди:

- истеъмолчиларнинг нақд тўловларига максимал чекловлар белгилаш (Болгария, Словакия, Чехия);
- нақд тўлов ҳисоб-китобларида онлайн назорат касса машиналаридан фойдаланиш ва барча молиявий операцияларни интернет орқали онлайн мониторинг қилиш тизимига улаш (Хорватия, Сербия, Словакия, Венгрия);
- нақдсиз тўловларни амалга оширганлиги учун истеъмолчиларга солиқ имтиёзларини татбиқ этиш (Жанубий Корея, Бразилия, Колумбия);
- нақд пул олиш учун фискал тўлов жорий этиш (Ирландия);

- нақдсиз тўловларда товар сотувчилар учун солиқ имтиёзлари бериш (Жанубий Корея, Уругвай).

Ўзбекистон Республикасида нақдсиз тўлов тизимини такомиллаштириш ва шу орқали яширин иқтисодиёт улушини камайтириш мақсадида қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Пандемия шароитида нақд пулда ҳисоб-китоб қилишнинг максимал меъёрини белгилаш (савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари бўйича миқдорларни алоҳида ўрнатиш).

2. Истеъмолчиларни, уларнинг амалга оширилган йиллик нақдсиз тўловлар миқдоридан келиб чиқиб, декларация асосида даромад солиғидан имтиёзлар ёки бонуслар бериш йўли билан рағбатлантириш.

3. Онлайн назорат касса машиналарини Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни, мамлакатнинг барча ҳудудларида самарали тақсимланиши ва таъминланишини йўлга қўйиш.

Шунингдек, бугунги пандемия ҳамда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида электрон тижорат янада ривожланишини инobatга олиб, солиқ тизимини қуйидагилар орқали такомиллаштириш яширин иқтисодиёт кўламини камайтириши мумкин деб ҳисоблаймиз:

1. Солиқ хизмати органлари томонидан P2P операциялари самарали назорат қилиниши учун электрон тижорат амалга ошириладиган платформалар ҳамда савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан ишлатилаётган турли дастурий маҳсулотлар (*Paute, Click, электрон савдо амалга ошириладиган сайтлар, мобил иловалар ва бошқалар*) фойдаланувчилари ва уларнинг транзакциялари тўғрисида маълумотлар олишни йўлга қўйиш. Жаҳон амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, АҚШда платформалар бир нечта гуруҳларга ажратилган бўлиб, "тўлов воситачиси" таснифидаги платформа гуруҳига бир йилда 20 минг АҚШ долларидан юқори даромад кўрган ва 200 тадан кўпроқ транзакцияларни амалга оширган фойдаланувчиларнинг ялпи даромадлари ҳақида ҳисобот бериш мажбурияти бор.

2. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида солиқ маъмуриятчилигининг ахборот технологиялари ва иш услублари шиддат билан ривожланиб бораётган виртуал бозорлардаги янги турдаги инновацион тадбиркорлик фаолияти жараёнлари чақириқларига жавоб бера олиши керак. Бунда солиқ маъмурчилигини рақамли иқтисодиёт шароитида такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширадиган инновацион юқори ахборот технологияларини жорий этишни янада жадаллаштириш лозим.

Адабиётлар:

Alm J., McClelland G., Schulze W. (1992). Why Do People Pay Taxes? *Journal of Public Economics*. 48: 21-48.

Joshi A., Prichard W., Heady Ch. (2014) Taxing the Informal Economy: The Current State of Knowledge and Agendas for Future Research. *The Current State of Knowledge and Agendas for Future Research. The Journal of Development Studies*, 50 (10). 1325-1347.

Medina L., Schneider F. (2018) Shadow Economies Around the World: What Did We Learn Over the Last 20 Years? *International Monetary Fund*. WP/18/17.

Torgler B., Macintyre A., Schaffner M. (2008). Causes and Consequences of Tax Morale: An Empirical Investigation, *Economic Analysis & Policy*. 38: 313-339.

Sung M., Awasthi R., Lee H. (2017) Can Tax Incentives for Electronic Payments Reduce the Shadow Economy? *Korea's Attempt to Reduce Underreporting in Retail Businesses. WBG Equitable Growth, Finance and Institutions Global Practice Group*. January. Policy Research Working Paper 7936.

www.gazeta.uz/uz/2018/01/12/yashirin-iqtisodiyot/kun.uz/news/2020/04/25/davlat-tashqi-qarzi-nega-oshmoqda-moliya-vaziri-orinbosari-bilan-suhbat

Луцкая Е.Е. (2019) Глобальная экономика через десять лет после кризиса // *Мировая экономика и международные отношения*.

Ниязметов И.М. (2017) Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари. Монография. – Т.: Молия.

Тищенко Т.В. (2019) Подходы к управлению государственными внешними заимствованиями: международный опыт // Вестник Института экономики Российской академии наук, 6/2019.

Қарор (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, 2018 йил 21 ноябр, ПҚ-4022-сон.

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли иқтисодиёт ва "Электрон ҳукумат" тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, 2019 йил 18 май, ПҚ-4321-сон.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ва энг зарур товарларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, 2020 йил 27 март, ПҚ-4662-сон.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 2020 йил 19 март, ПФ-5969-сон.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 2020 йил 3 апрель, ПФ-5978-сон.